

11-11-2019

NAVOI'S TRADITIONS IN THE LITERATURE OF TURKIC PEOPLE

Tolibjon Ruziboev

Teacher of Erkin Vokhidov Creative school.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ruziboev, Tolibjon (2019) "NAVOI'S TRADITIONS IN THE LITERATURE OF TURKIC PEOPLE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

NAVOI'S TRADITIONS IN THE LITERATURE OF TURKIC PEOPLE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Толибжон Рузибоев,

Эркин Воҳидов номли ижод мактаби ўқитувчиси, тадқиқотчи.

***Аnotatsiya:** Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони XXI бобида ёритилган лирик қаҳрамон – сайд (ов қилинадиган жонивор) – сайёд (овчи) мавзусининг кейинги давр туркий халқлар: озарбайжон, туркман ва ўзбек адабиётида давом эттирилиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.*

ТРАДИЦИИ АЛИШЕРА НАВАИ В ЛИТЕРАТУРЕ ТЮРСКИХ НАРОДОВ

Толибжон Рузибоев,

учитель школы творчества имени Эркина Вахидова, соискатель.

***Аннотация:** В настоящей статье исследована вопросы продолжение традиции в литературе тюркских народов: азербайджанской, туркменской и узбекской литературе связанные с темой лирический герой – сайд (охотящееся существо) – сайёд (охотник) освещенный в главе XXI произведение Алишера Наваи «Лейли и Меджнун».*

NAVOI'S TRADITIONS IN THE LITERATURE OF TURKIC PEOPLE

Researcher - Tolibjon Ruziboev,

Teacher of Erkin Vokhidov Creative school.

***Abstract:** This article explores the theme of the lyric hero - Sayid (hunted animal) - Sayyod (hunter) in the later period literature of Turkic people: Azerbaijani, Turkmen and Uzbek, which are covered in Chapter XXI of Alisher Navoi's poem Leyli and Majnun.*

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги XXI бобида ишқ оташида куйган Мажнун ёлғизлик истаб, одамлардан йироқлашиши, тоғ-тошларга чиқиб кетиши, атрофдаги ҳамма нарсада Лайли тимсолини кўриши, ёввойи ҳайвонлар билан дўст тутиниши, айниқса, бир дашт кийик доим унинг атрофида парвона бўлиб юриши ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳикоя давомида кунларнинг бирида ўз сипоҳлари билан овга чиққан Навфал ва кийиклар билан дўст тутинган Мажнун орасида бўлиб ўтган воқеалар ҳам тасвирланган. Ов пайтида сипоҳлардан қочган кийиклар тўп-тўп бўлиб, Мажнун қошига югуриб уни ўраб олишади ва паноҳ сўраб ялинишади. Бу ҳодиса Навфални ҳайратга солади ва унинг кимлигини билгач, овни тўхтатади. Шунда Мажнун Навфалнинг чехрасида балқиб турган бахтиёрлик нурини кўради ва очликдан – эҳтиёж туфайли эмас, балки шунчаки кўнгилочарлик қилиш мақсадида ов қилиб, қон тўкиш иштиёқида юрган ғофил кишилардан эмаслигини англаб етади ва жониворларга раҳм қилишни ва ов қилишни тўхтатишни сўрайди:

Ким, ғофил улус киби чекиб ўқ,

Ваҳш этидан ўзни истамак тўқ.

Чун йўқ бу ғизоға ихтиёжинг.

Озор недин тилар мизожинг.

Ким, нафс нишотиға чекиб хайл,

Қон тўккали кўнглунг айлагай майл.
Бу зулм ила ул ғизому бўлғай,
Сендин бу сифат равому бўлғай?
Гар урса тикан аёғинга неш,
Кўнглунг аёғинг учун бўлур реш.
Не мазлама ёйин ўлди қурмоқ,
Ўқ чекмаку жониварни урмоқ?
Ҳақ берди буларға доғи жони,
Ойини ҳаётдин нишони.
Бу неча рамида жонидин кеч,
Бежурм гуруҳ қонидин кеч!» [1.160.]

Достондаги бу эпизодни эса олишимиз бежиз эмас, чунки айнан шу ҳикоя кейинги давр туркий халқлар – озарбайжон, туркман ва ўзбек адабиётида сайд ва сайёд образлари билан боғлиқ энг машҳур асарлар яратилишига туртки бўлган. Навоийдан кейин дастлаб, бу мавзу озарбайжон адабиётининг машҳур намояндаси Муҳаммад Фузулий ижодида кўзга ташланади. Шоир Навоий изидан бориб, туркий тилдаги «Лайли ва Мажнун» достонини яратар экан унга «Бу Мажнуннинг ғазол ила мақолотидир ва ишқ бобинда онингла ўлан ҳолатидур» номли лирик ҳикоя киритади. Ундан кейин туркман адабиётининг вакилларида бири Андалиб Навоий ижодидан таъсирланиб, «Лайли ва Мажнун» достонини яратади ва унинг таркибига Мажнун тилидан сайёдга қарата айтилган «Сайдинг қўя бер, сайёд, дилпора экан мандек» мисраси билан бошланган мухаммасни киритади, кейинчалик эса бу асардан таъсирланиб, Фурқат ўзининг ноёб мусаддасини яратди. [2.201–202.] Худди шу мавзудаги асарлар – бир мухаммас ва бир мусаддас Нодим Намангоний ижодида ҳам учрайди. [5.64–65.] Агар Навоий достонидан олинган парча мазмунига эътибор қаратсак, кейинги даврда яратилган барча асарлардаги учлик образлар тизими: **лирик қаҳрамон – сайёд – сайд** айнан шу парчага бориб тақалади. Навоий достонида булар *Мажнун – Навфал – кийиклар (бежурм гуруҳ)* тимсолида намоён бўлган бўлса, Фузулийда *Мажнун – сайёд – сайд (ғазол)*, Андалибда *Мажнун – Навфал – кийик* тимсолида ифодаланади. Фурқат ва Нодим Намангоний асарларида **лирик қаҳрамон (шоир) – сайёд – сайд (оҳу)** тарзидаги талқинга дуч келамиз. Айрим манбаларда Фурқат сайд тимсолида ўз дўсти Саъдуллони тилга олган деган қарашлар ҳам мавжуд. [6.43–44.]

Бу асарлар мавзу ва тимсоллар жиҳатидан бир-бирига жуда яқин турса-да, жанри ҳамда мазмунига кўра ҳар бири ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий асарларида бу воқеа дoston таркибидаги лирик ҳикоя тарзида берилган бўлиб, маснавий жанрига хос. Навоий достонида Мажнун овга чиққан Навфал билан учрашувда улар орасидаги зиддият унчалик кескин эмас, улар бир-бирларини тезда тушуниб ҳамдардга айланишади. Чунки Навфал ҳам аслида золим шахс эмас, у ҳам бир пайтлар Мажнун каби ишқ оташида куйган. Фузулий достонида эса Мажнун ва сайёд орасидаги конфликт ўта кескин тус олган. Сайёд тирикчилик туфайли сайд (ғазол)ни домга илинтирган ва оиласини оч қолдирмаслик учун ундан воз кечишни истамайдиган золим овчи.

Шоир бу воқеани дом, ғазол кўзларидан оқаётган ёш каби янги деталлар билан бойитган. Унда ғазол ҳолатига раҳми келган Мажнун сайёдга юмшоқлик билан мурожаат қилади:

Юмшоқ-юмшоқ дедики: «Сайёд!
Раҳм айла бу мушкбў ғазола,
Раҳм этмазми киши бу ҳола?
Сайёд, бу нотава на қийма,
Қил жонина раҳм, жона қийма!
Сайёд, сақин жафо ёмондур,
Билмазсанмики, қона қондур?
Сайёд, манга боғишла қонин,
Ёндирма жафо ўдина жонин!.. [4.62.]

Аммо сайёднинг мақсади қатъийлигини кўргач, бор-будини бериб, ғазолни ундан сотиб олиб озод қилади. Андалиб воқеа баёнида мухаммас жанридан фойдаланади ва унинг мазмунига ўз ҳолатини сайёд домига тушган кийик билан қиёслаётган Мажнуннинг ички кечинмалари талқинини ҳам сингдириб юборади, шунингдек, сайёднинг раҳмини келтириш учун воқеага дахлдор яна бир образ – охунинг ёрини ҳам киритади:

Сайдинг қўябер, сайёд, дилпора экан мендек,
Чўлларда кезиб юрган сайёра экан мендек,
Сартосари ҳижрондан ғамхора экан мендек,
Саргашта ғариб бўлган овора экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

Беш кун сенинг даврингда бечора хиром этсин,
Кўнглидаги ғамларни юз қатла ҳаром этсин,
Ҳар қайға қадам ташлаб, йўл топса, мақом этсин,
То тоқати тоқ бўлмай, ёрига салом этсин,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

Ишқ офатидин Мажнун жулидаи пар бўлдим,
Авзойимни эл билмас, аҳволи дигар бўлдим,
Назр эт бун сен менга, бировни тилар бўлдим,
Гўёки қиёматлик, мен сенга писар бўлдим,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек. [3.27.]

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, Андалиб достонида Мажнун ва сайёд орасидаги зиддият бироз кучайтирилган. Мажнун унга мурожаат этар экан ўз ҳолатини кийик аҳволи билан қиёслайди ва унга раҳм этишни сўрайди. Унинг талабида Навоий Мажнундан фарқли ўлароқ бироз ёлвориш оҳангги кўзга ташланади. Айниқса, «Назр эт бун сен менга, бировни тилар бўлдим, Гўёки қиёматлик, мен сенга писар бўлдим...» мисраларида бу ҳол кўзга яққол ташланади. Фақат бандлар охирида такрорланувчи «Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек» мисраси унинг талабига бироз қатъият бахш этиб туради.

Фурқат мавзуни мусаддас жанрида талқин этар экан уни мазмунан янада кенгайтиришга муваффақ бўлади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳам Андалиб достонидаги Мажнун изидан бориб, сайёдга мурожаат қилар экан ўз ҳолатини сайд ҳолатига таққослайди, аммо ундан фарқли ўлароқ дастлабки мисралардан бошлаб сайёд олдига кескин талаб қўяди:

Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек. [9.]

Мусаддаснинг ҳар бир бандида лирик қаҳрамон ва сайёд орасидаги конфликт янада кескин тус ола бошлайди. Банддан бандга ўтган сари бу зиддиятнинг сабаблари ҳам ёриша боради. Лирик қаҳрамоннинг сайёдга бўлган нафрати ортади ва унга қўяётган талаби янада кескинлашади. Шоир Андалиб каби мавзуни яна бир тимсол – охунинг йўлдоши билан бойитади, аммо бунда «рахм эткил» радифи ёрдамида ўз талабини ўта кучайтиришга муваффақ бўлади:

Саргашта бу водийда бир бошига раҳм эткил,
Йўқ тоқати бандинга, бардошига раҳм эткил,
Йиғлаб сенга термулур, кўз ёшига раҳм эткил,
Раҳм этмасанг ўзига, йўлдошига раҳм эткил,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек. [9.]

Юқоридаги мисраларда тилга олинган банд ва охунинг кўз ёши каби деталлар Фузулий достонини эсга солади ва Фурқат бу мусаддасни яратишда Фузулийдан ҳам таъсирланганлигини кўрсатади. Ҳар бир банд охиридаги такрорланувчи «Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек, Куйган жигари бағри садпора экан мендек» байти лирик қаҳрамон талабининг янада қатъийлашишига олиб келган. Шоир асардаги драматизмни кучайтириш учун контраст усулидан ҳам унумли фойдаланади. Бунинг учун у воқеа замонини конкретлаштиради. Баҳор. Теварак-атроф гулларга бурканган. Бутун борлиқ ҳаёт нашидасини сурмоқда, аммо сайёд домига илинган шўрлик оху бу гўзалликлардан баҳраманд бўла олмайди:

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Ахир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса?
Чикмай деса жойидин, узлатда фиғор ўлса,
Гар чиқса баногоҳи доминга дучор ўлса,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек. [9.]

Фурқатнинг лирик қаҳрамони Андалибнинг Мажнуни каби сайёдга ёлвормайди, сайдни унга назр қилишни эмас, балки мақсад ундан қасд олиш бўлса, ўзига сотишни талаб қилади:

Бечорани зулм айлаб, қўл-бўйинини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдиргали чоғлабсан,

Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек. [9.]

Мусаддаснинг юқоридаги олтинчи бандида «Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан» мисраси орқали лирик қаҳрамон талаби ўзининг кулминацион нуқтасига етказилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, Фурқат яна Фузулий изидан боради. Унинг қаҳрамони ҳам ўз мақсадидан қайтишни истамаётган сайёддан сайдни ўзига сотишни талаб қилади.

Мусаддасда Андалиб мухаммасидан баъзи мисралар ўзгартирилиб, тазмин қилиб олинган бўлса, «Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек», «Беш кун сани даврингда бечора хиром этсун» каби айримлари тўлиқ олинган. «Ўзбек мумтоз адабиётида тазминнавислик анъанаси мавжуд. Фурқат ҳам ўша анъана доирасида фаолият кўрсатиб, ўзидан олдинги устоз шоир шеъри асосида мусаддаснинг оригинал кўринишини муваффақият билан амалга оширган».[3.27–28.]

Ўзбек адабиётида бу мавзу билан боғлиқ анъанани давом эттирган шоирлардан яна бири мумтоз адабиётимизнинг таниқли намояндаларидан Нодим Намангонийдир. Унинг ҳам туркман шоири Нурмухаммад Андалибнинг «Лайли ва Мажнун» достони таркибидаги «Сайдинг қўябер, сайёд, дилпора экан мендек» мисраси билан бошланувчи мухаммасига татаббуъ мухаммаси мавжуд. Бу татаббуъ мухаммас Нодим Намангонийнинг «Танланган шеърлар» тўпламига киритилган. Мазкур китобда бу асар худди шу мавзудаги мусаддасдан кейин келтирилган бўлиб, куйидаги банд билан бошланади:

Гуллар очилиб, эмди айёми баҳор ўлди,
Ҳақ раҳмати бу тоғу саҳрога нисор ўлди,
Сарсабзу зумурратгун, бегарду ғубор ўлди,
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,
Ғам тиғи билан бағри садпора экан мендек... [5.64–65.]

Нодим Намангоний мухаммасида Фурқат мусаддасининг дастлабки бандидаги: «Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек...» ва «Куйган жигари бағри садпора экан мендек» биринчи ва олтинчи мисраларни банд охирида такрорлайди, лекин тазмин қоидасига кўра мисраларга бироз ўзгартиришлар киритади. Асар қофияланишига кўра ҳам анъанавий мухаммаслардан фарқ қилиб, **а-а-а-б-б, в-в-в-б-б...** шаклида давом этади. Юқорида айтганимиздек, шоирнинг айнан шу байт такроридан тузилган олти бандли мусаддаси ҳам мавжуд. Унинг дастлабки банди мухаммас, қолганлари эса мусаддас шаклида:

Ғам тоғида бу оху овора экан мендек,
Тоғу туз аро ёлғуз сайёра экан мендек,
Кўз ёши равон жисми кўп ёра экан мендек,
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,
Ғам тиғи билан бағри садпора экан мендек... [5.63.]

Нодим Намангоний ижоди билан танишар эканмиз унинг юқорида тилга олинган татаббуъ мухаммасининг яна бир вариантыга дуч келдик. У шоирнинг

адабиётшунос олим Бегали Қосимов сўзбошиси билан берилган ғазал ва мухаммаслари орасидан ўрин олган. Мазкур мухаммас ҳам «Ғам даштида бу оху овора экан мендек» мисралаи банд билан бошланади. [8.] Ўн икки банддан иборат бу мухаммас юқоридаги манбада келтирилган мусаддас ва мухаммасларнинг бирлаштирилган шакли бўлиб, мазмунан ва тасвир воситалари ҳамда усулларига кўра Фурқат мусаддасига жуда яқин.

Бу асарлар тарихи ҳақида адабиётшунос Алихон Халилбеков қизиқарли маълумот келтиради: «Фурқат ва Нодим «Сайдинг қўя бер, сайёд...» асарларининг тарихи хусусида наманганлик Доғий тахаллусли шоир Йўлдош ота Отахўжа ўғли (1876 – 1974) хотираларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир: бу киши ёшлик чоғида бир шоирлар анжуманида Фурқат ва Нодимнинг «Сайдинг қўя бер, сайёд...» шеърлари улар чушлик дўстлари Саъдулла билан тоғ саёҳатига чиққан пайтда яратилган, деб эшитган. Отанинг айтишича, шоирлар овчи қўлида талпинаётган охуни кўриб, унинг ҳолига ачинганлар, сайёддан тутқунни қўйиб юборишни талаб этганлар, шундан кейин бу мавзуда шеър ижод қилганлар». [7.34.]

Ҳар иккала асар мазмунига қараганда, бу маълумот ҳақиқатга анча яқин. Маълумки, ижод жараёнида муаллиф кўпинча ўзи гувоҳ бўлган манзара тасвирига урғу беради. Ўша манзарадан ўзининг ички кечинмаларига хос жиҳатларни излаб топади ва уларни уйғунликда ифодалашга ҳаракат қилади. Фурқат ва Нодим асарларида ифодаланган замон ва макон – баҳорий гўзаллик ва тоғ манзаралари; тилга олинган воқеа-ҳодиса – оёқ-қўли боғланиб, зулм остида қолган, чорасизликдан кўзлари ёшга тўлган оху ва унинг бошини танидан жудо қилишга чоғланаётган золим сайёд тасвиридаги ўта муштарақлик, аниқлик, жон талвасасидаги оху ҳолатидаги нозик деталаргача эътибор қаратиш ана шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Айниқса, Нодим Намангоний мухаммасида ана шундай ўта нозик тасвирларни кўриш мумкин. Мухаммасга шоир томонидан киритилган янгиликлардан бири – ўлимга маҳкум охуни уйда кутаётган фарзанди. Шоир сайёдга мурожаат этар экан, унинг раҳмини келтириш мақсадида Андалиб ва Фурқатдан фарқли равишда охунинг жисмоний ҳолатига ҳам эътибор қаратади:

Мажруҳ эрур жисми оё на кабоб ўлғай,
Гар бўлса ҳам, аммо ул фарзанди хароб ўлғай,
Ул икки қаро кўзлар йўлларда пуроб ўлғай,
Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,
Ғам тийғи била бағри садпора экан мендек. [8.]

Юқоридаги тасвирда жисмонан анча хароб оху «Мажруҳ эрур жисми оё на кабоб ўлғай», дея тасвирланади. Бу тасвир охунинг эндигина баҳор кириб келган пайтдаги ҳолатига жуда мос тушади ва асардаги реалистик манзаралардан бири сифатида унинг ҳаётийлигини таъминлайди. Шунингдек, бу детал охунинг она эканлигига ҳам ишора қилади ва сайёднинг она охуни қўйиб юборишга ундаш талаби ҳам юзага чиқади. Мухаммасдаги «Қўйғил они, то бўлғай авлодиға пайваста» мисраси ҳам юқоридаги фикрларимизни яна бир қарра тасдиқлайди.

Нодим Намангоний мухаммасида лирик қаҳрамоннинг талаби бир қараганда унчалик кескин эмасдек туюлса-да, аслида унинг замирида ҳам сайёд ва унинг

зулмига нисбатан чексиз нафрат ва оҳуга нисбатан раҳму шафқат туйғулари жўшиб туради. Айниқса, мухаммаснинг куйидаги бандида лирик қаҳрамоннинг сайёдга муносабати ва унга қўяётган талаби жуда кескинлашади ва ундаги нафрат ҳисси яққол кўзга ташланади:

Кесма они бошини, жониға ситам қилма,
Бўйниға суруб тийғинг, роҳини адам қилма,
Бу нахли ҳаётини раҳм айла, қалам қилма,
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,
Ғам тийғи била бағри садпора экан мендек. [8.]

Шоир мухаммасини яқунлар экан дунё ҳаётининг фоний эканлигини эсга олади ва сайёдни ўткинчи дунёда фақат эзгу ишлар қилишга чақиради. Зеро, шоир назарича, инсон ҳаётининг мазмуни ҳам фоний дунёни гўзал амаллар билан безатишдир. У сўнги бандда талмеҳ санъати ёрдамида «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамонига ҳам ишора қилиб ўтади:

Мажнунни биёбони исёну хато Нодим,
Савдозадаи ишқи оҳу-ю Хито Нодим,
Сайёди ажал бир кун етгай санга, ё Нодим,
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,
Ғам тийғи била бағри садпора экан мендек. [8]

Мазкур банд Нодим Намангонийнинг ҳам Навоий, Фузулий, Андалиб ижодидан хабардор эканлиги ва ўз мухаммасини яратишда улардан ҳам илҳомланганлигини кўрсатади.

Мақоламизга яқун ясар эканмиз Навоий ижоди ҳамиша илҳом манбаи бўлиб келганлиги, ҳар бир ижодкор улуг шоир асарларидан баҳраманд бўлар экан ундан ўзига хос хулосалар чиқариши, шоирнинг бетакрор тимсоллар оламига кириб, ўз руҳияти ва кечинмалари билан ҳамоҳангликни топиб, унинг ўлмас анъаналарини давом эттиришига яна бир карра амин бўлдик.

References:

1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to'plami. 9-jild. – T.: Fan, 1992.
2. Adizova I. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. O'quv qo'llanma. – T.: Fan, 2019.
3. Kurbanova S. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinflarida adabiyot o'qitishning ayrim masalalari. Uslubiy qo'llanma. – Urganch, UrDU noshirlik bo'limi, 2018.
4. Muhammad Fuzuliy. Asarlar. 2 jildlik. 2-jild. Dostonlar. T.: G'afur G'ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1968.
5. Nodim Namangoniy. Tanlangan she'rlar. – T.: O'zadabiynashr, 1964.
6. Turkiy xalqlar adabiyoti. (O'quv qo'llanma). 1-kitob. – Qarshi, Nasaf, 2013.
7. Xalilbekov A. Nodim. – Namangan. 1994.
8. www.e-adabiyot.uz.1183-kitob.
9. www.e-adabiyot.uz.

МУНДАРИЖА**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ****01.00.00****ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ****PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ**02.00.00****ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ****CHEMICAL SCIENCES**

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**03.00.00****БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****BIOLOGICAL SCIENCES**

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**05.00.00****ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ****TECHNICAL SCIENCES**

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

ТАРИХ ФАНЛАРИ**07.00.00****ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ****HISTORICAL SCIENCES**

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
Жўраев А.Т..... 89

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**09.00.00****ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ****PHILOSOPHICAL SCIENCES**

- 15 Maʼkurani tahlil etishning oʻziga xosligi
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
Мамамов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичини хотин-қизларнинг инновацион
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллигини
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
Sultonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**10.00.00****ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****PHILOLOGICAL SCIENCES**

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
лексикаси мисолида)
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д.....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371